

## ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ТАЛАБАЛАРНИНГ МУСТАҚИЛ ИЖОДИЙ ФАОЛИЯТИНИ КОМПЕТЕНЦИЯВИЙ ЁНДАШУВ АСОСИДА ТАШКИЛ ЭТИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ

**Паянова Ф.К.**

Термиз муҳандислик-технология институти ассистенти

***Аннотация.** Ҳозирги кунда таълим сифатини ошириш олий таълим тизимида энг муҳим вазифалардан бири бўлиб, касбий даражада таълим беришнинг амалга оширилиши жаҳон талаблари даражасидаги рақобатбардош техник муҳандислар тайёрлашда талабаларнинг мустақил ижодий фаолиятини компетенциявий ёндашув асосида такомиллаштириш масаласи ҳозирда дунё олий таълимида қизгин муҳокама қилиниши мақолада ўз аксини топган.*

***Калит сўзлар.** Компетенция, фаолият, дидактика, метод, мустақил, тамойил, интерактив, ижодий фаолият.*

**Кириш.** Олий таълим муассасаларида умумий физика ва унинг бўлимларини ўрганиш жараёнида педагогиканинг муҳим тамойилларидан бири бўлган–изчиллик тамойилининг амалда қўлланилиши муҳим натижаларга олиб келишини назардан четда қолдирмаслик лозим.

**Мавзу баёни.** Компетенциявий ёндашув асосида талабаларнинг мустақил ижодий фаолиятини ривожлантиришда изчиллик тамойилини тўғри ташкил этиш натижасида, маънавий-ахлоқий жиҳатдан етук, мустақил дунёқарашга эга, ижодий фикрловчи, миллий кадриятларга садоқатли баркамол шахсни тарбиялаб, вояга етказишдек устувор вазифаларни адо этиш мумкин. Талабаларнинг мустақил ижодий фаолиятини ташкил этишда билиш

қонуниятларидан қандай фойдаланиш мумкинлигини ўрганиш учун педагогик-психологик таълимнинг амал қилиш таълимнинг янги -интерактив методларидан фойдаланиш зарур. Демак, олий таълимдаги ўқитиш назариясининг қонуниятлари ўқув жараёнини самарали ташкил этиш ва режалаштириш, ривожлантириш таълимда туб бурилиш қилиш лозимлигини кўрсатади. Компетенциявий ёндашув асосида талабаларнинг мустақил ижодий фаолиятини ривожлантиришда уларни жамият талаблари ва ривожланишига мувофиқ ўқитиш, таълим-тарбиянинг объектив қонуниятлари, ўқув жараёнидаги шароит муҳим аҳамиятга эгадир.

Педагогикада мустақил ижодий фаолиятини компетенциявий ёндашув асосида ўрганишда дидактика (юнонча «systema» – яхлит қисмлардан ташкил топган, бирлаштириш) – маълум мезонлари асосида таълим жараёнининг яхлит ҳолатини белгилаш, қисмларга ажратиб кўрсатиш демакдир. У таълимнинг мақсади, таълимнинг мазмуни, шакли, метод ва воситаларининг бирлиги асосида ташкил этилган тузилмаларнинг ички яхлитлигини ифодалайди. Ўқитишнинг замонавий таълимнинг асосида олий таълим муассасаларида дидактиканинг қуйидаги асосий тушунчаларни назарда тутди:

олий таълим муассасаларида талабаларнинг мустақил ижодий фаолияти жараёнининг ташкил этилишини илмий ишларга яқинлаштириш;

мустақил ўқиш-билиш фаолиятида талабаларнинг юқори фаоллиги интилувчанлиги, изланувчанлиги, тадқиқотчиликни таъминлаш;

Компетенциявий ёндашув асосида талабаларнинг мустақил ижодий фаолиятини ривожлантириш объектларига қуйидагилар киради:

1) таълим –тарбияга эътиборимизни қаратиб мустақил ижодий фаолиятини компетенциявий ёндашув асосида назарий билимларни пухта бериш асосида талабаларда амалий кўникма ва малакаларни шакллантириш, уларнинг билиш қобилиятларини ўстириш муҳандисликка бўлган қизиқишларини

ривожлантириб, такомиллаштириш, дунёқарашларини ўстиришга йўналтирилган жараён;

2) Машғулот- мустақил ижодий фаолиятини компетенциявий ёндашув асосида шакллантириш вақтида ўқитувчи раҳбарлигида олиб бориладиган таълим жараёнининг асосий шакли;

3) кўникма–талабанинг фанни ўрганишга бўлган қизиқишлари, малака-муайян ҳаракат ёки фаолиятни бажаришдаги тезкорлиги шакли;

4) билим олиш–диққат билан мустақил ишлаш тинглаш, тушунишга ҳаракат қилиш фикрлаш идрок этиш, ўрганиш, машқ қилиш ва муайян тажриба асосида хулқ-атвор ҳамда фаолият кўникма, малакаларининг мустаҳкамланиб, мавжуд билимларни мустақил равишда такомиллаштириб, бойитиб бориш жараёнидир;

5) таълим жараёни – мустақил ижодий фаолиятини компетенциявий ёндашув асосида ўргатувчи ва талабалар ўртасида ташкил этилувчи ҳамда илмий билимларни ўзлаштиришга йўналтирилган педагогик жараён;

6) ўқув фани – таълим муассасаларида ўқитилиши йўлга қўйилган ҳамда ўзида муайян фан соҳаси бўйича умумий ёки мутахассислик билим асосларини жамлаган мустақил равишда ўрганиладиган китоблар тўплами;

7) таълим методлари - таълим ва мустақил таълим жараёнида қўлланилиб, унинг самарасини таъминловчи методлар мажмуи;

8) таълим воситалари–таълим самарадорлигини таъминловчи объектив дарслик, ўқув қўлланмалари, ўқув қуроллари, харита, диаграмма, плакат, расм, чизма, диапроектор, магнитофон, видеомагнитофон, телевизор, радио, компьютер ва бошқалар ва субъектив (ўқитувчининг нутқи, намунаси, муайян шахс ҳаёти ва фаолиятига оид мисоллар ва ҳоказолар) ва бошқа омиллар мужассамлаштирилади.

9) таълим мазмуни – давлат таълим стандартлари асосида белгилаб берилган ҳамда маълум шароитда ўргатиладиган фанлар бўйича ўзлаштирилиши назарда тутилган илмий билимлар манбайи;

10) таълим мақсади - ўқиш, билим олиш – таълимнинг аниқ йўналишини белгилаб берувчи етакчи ҳисобланади;

11) таълим натижаси- таълим самараси, маҳсули бўлиб – ўқув жараёнининг маҳсули; белгиланган мақсадни амалга ошириш даражаси;

12) таълимни бошқариш – таълим муассасаларининг фаолиятини йўлга қўйиш, бошқариш, назорат қилиш ҳамда истиқболларини белгилаш ва такомиллаштириш;

13) таълим маскани- талабаларга таълим-тарбия бериш йўлида давлат тамойиллари асосида фаолият юритаётган барча турдаги ўқув-тарбия муассасалари жамланмаси;

Олий таълим муассасаларида талабаларнинг шахсий ривожланиши уларнинг ўз касбига бўлган қизиқишлари танлаган касбларини пухта ўрганишига йўналганлиги, мустақил фикрлашлари, фаол бўлишлари ҳамда дунёқарашлари шаклланганлиги ва ўзини ўзи тарбиялашга бўлган эҳтиёжларининг шаклланиши каби ҳолатлар билан тавсифланади. Талаба ижодий фаолиятини муваффақиятли амалга оширишда, бизнинг фикримизча касбий жиҳатдан аҳамиятли саналган сифат, билим, кўникма ва малакаларни шакллантириш, ривожлантириш ҳамда ўзини-ўзи такомиллаштириш ва энг муҳими мустақил ижодий фикрлашини оширишдир.

**Хулоса.** Сўнгги йилларда физиканинг инсоният жамияти ҳаётидаги аҳамияти ортиши баробарида юртимизда физика фанига бўлган эътибор ортиб бормоқда. Физиканинг юқори даражада юксалиши, мустақил ижодий фаолиятни компетенциявий ёндашув асосида ривожлантириш бир қатор билим соҳаларининг юксалиши ва самарадорлигининг зарурий шартидир.

**Фойдаланилган адабиётлар.**

1. Усаров Ж.Э. Физика ўқитиш жараёнида ўқувчилар компетенция-ларини ривожлантиришнинг дидактик жиҳатлари. Монография. – Тошкент: «Mashhurpress», 2019. - 192 б.
2. Лернер И.Я. Дидактические основы методов обучения. -М.: Педагогика, 1981. – 186 с.
3. Султонова Ў.Н., Холмуродов М. Физика ўқитишда янги педагогик технологиянинг дидактик асослари. Услубий қўлланма. –Термиз, 2012. -64 б.
4. Паянова Ф.К.”Физика дарсларида талабалар мустақиллигига эътибор юксак самарадорлик гарови”Scientific Journal Scholar 2023 january 172-бет.